БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 156 (16.542). | 6 июль 1976 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.





Пахтакорлар ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, ғўза парваришига зўр бермоқдалар. Уларнинг фикри-зикри битта— ғўзаларнинг тез ўсиб ривожланишини таъминлаб 5 миллион 300 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига пухта замин яратиш. Пахта далаларида жавлон уриб меҳнат қилаётганларга авиаторлар ҳам ёрдамга келишди. Бепоён яшил пахтазорлар тепасида пўлат қанотли қушлар парвоз этиб юрибди. Қанотли дўстларимиз қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши дори сепишяпти. Суратларда: (пастда) Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли қўриқ совхоз пахта далаларида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши самолётларда дори сепиляпти. Юқорида эса экипаж командири комсомол аъзоси А. Шиповский.

И. Хўжаев фотолари, (ЎзТАГ).

# БУТУН ХАЛҚ ТЎЛА МАЪҚУЛЛАБ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Европа коммунистик ва ишчи партияларнинг шу йил 29-30 июнда Берлинда бўлиб ўтган конференцияси иши тўғрисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС делегациясининг ҳисоботини қараб чиқиб, делегациянинг фаолиятини батамом ва тўла-тўкис маъқуллади. Сиёсий бюро конференциянинг ўтказилиши ва унинг якунлари Европада тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт йўлидаги кураш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлди, деб ҳисоблайди.

Барча совет коммунистлари, бутун совет халқи ана шу хулосага қўшилади. Совет халқи партиянинг сиёсатини қизғин маъқулламоқда, КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг тинчликни мустаҳкамлашга, муваффақиятли суратда коммунизм қуриш учун қулай ташқи сиёсий шарт-шароитларни вужудга келтиришга қаратилган изчил ҳамда кўп қиррали фаолиятига юксак баҳо бермоқда. Меҳнаткашларнинг жуда кўп оммавий митинглари ва йиғилишлари буни яққол исбот этади.

КПСС делегацияси бошлиғининг нутқи конференциянинг асосий воқеаси бўлди. Чуқур далиллар билан асослаб берилган, осойишталик ва ишонч руҳи билан суғорилган ана шу ёрқин нутқда Европадаги ва бутун дунёдаги воқеалар ҳар томонлама анализ қилинди, партиямиз, Совет давлатимиз КПСС XXV съезди маъқуллаган «Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги кураш программаси»ни амалга ошириш йўлида олиб бораётган улкан ишлари таърифлаб берилди.

Европа коммунистлари конференцияда Европада тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт каби муҳим мавзуни муҳокама қилиб, фикрлашиб олдилар ва бу билан муштарак иш учун катта наф келтирдилар. Бу мавзу шу жиҳатдан ҳам жуда актуалки, бизнинг қитъамиз кўп асрлар мобайнида кураш майдони, жуда кўп урушлар ва қуролли низолар ўчоғи бўлиб келди. Бу уруш ва низолар миллионларча кишиларнинг ёстиғини қуритди, минг-минглаб шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилди. Ҳозирги кунда Европа таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Ҳозирги кунда Европа иккинчи жаҳон уруши вайрон қилиб ташлаган, қонга ботган, ёнғинлар ичида қолган Европадан бошқача бўлиб қолди. Бу Европа ҳатто бундан атиги ўн-ўн беш йил бурунги, «совуқ уруш» давридаги Европадан ҳам бошқачадир.

«Империализм, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев конференцияда сўзлаган нутқида, — Европанинг тақдирини энди асло белгилаб бера олмаслиги ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам равшанроқ кўриниб турибди. Бу тақдирни белгилашда эндиликда социалистик давлатлар, капитал мамлакатларидаги ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракат ўзининг қатъий сўзини айтади. Мана ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери Европа тинчлик шароитида яшаб турибди. Бунда эса мана шу кучларнинг ўзи ҳал қилувчи роль ўйнади».

Европадаги ўзгаришлар капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашиб бораётган бир пайтда содир бўлмоқда. Бу кризис иқтисодий кризис бўлибгина қолмай, шу билан бирга, ҳам сиёсий, ҳам маънавий кризисдир. Бу кризис капитализм истиқболдан маҳрум бўлган жамият эканлигига ва бу билан ижтимоий тараққиёт социалистик йўлининг тарафдорлари сафларини кенгайтираётганлигига омманинг ишончини тобора оширмоқда.

Европа коммунистлари ўзларининг ғоят мўътабар анжуманига тўпланишиб, якдиллик билан ҳужжат қабул қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси таъкидлаб ўтганидек, бу ҳужжат марксизм-ленинизм принципларига асосланади. Коммунистик ва ишчи партияларнинг Европа ва бутун дунё халқлари учун жуда катта аҳамиятга молик бўлган бир қанча актуал проблемалар юзасидан биргаликда берган баҳолари ва чиқарган хулосалари бу ҳужжатда баён этилган. Европа мамлакатларининг ишчилар синфи, кенг меҳнаткашлар оммаси, халқлари шундай бир йўлга эга бўлдиларки, бу йўл уларнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқаро кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлаш учун, ўзларининг ҳаётий манфаатлари учун олиб бораётган курашини кучайтиришга ёрдам беради.

Ҳужжатнинг қабул қилиниши — муҳим иш. Аммо белгиланган мақсадларга эришиш тағин ҳам муҳимроқдир. Бу эса Европадаги коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча тараққийпарвар демократик кучларнинг бирдам бўлиб ҳаракат қилишларини талаб этади. КПСС Берлин конференциясида илгари сурилган мақсадларга эришмоқ учун зўр ғайрат ва сабот-матонат билан курашаверади.

Маълумки, конференция тинч-тотув яшаш принципи социал тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларда етакчи тенденция бўлиб қолган бир пайтда ўтказилди. Бу эса Хельсинкида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг ўтказилиши каби бир фактда ўзининг энг тўлиқ ифодасини топди. Европа коммунистлари таъкидлаб ўтганидек, бу кенгаш тарихий аҳамиятга эгадир. Кенгаш давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик принципларини ишлаб чиқди ҳамда мустаҳкамлади. Халқаро кескинликнинг юмшаб бораётганлиги омма ўртасида тинчлик ва тараққиёт кучларининг обрў-эътибори ҳамда таъсирини кучайтирди.

Шу билан бирга Берлин конференцияси кескинликни юмшатиш душманларининг, реакция ва милитаризм кучларининг активлиги ошганлигини эътиборга олди. Ана шу кучлар Европани ва бутун дунёни орқага, «совуқ уруш» даврига қайтаришни ва ядро ҳалокати ёқасига олиб келиб қўйишни истайдилар. Ажал ва вайронгарчилик қуролларини ишлаб чиқаришдан бойлик тўплаётган кишилар ҳам, социализм мамлакатларига қарши, коммунистларга қарши «салб юриши»ни авж олдиришга интилаётганлар ҳам, Хитойнинг маочи раҳбарлари қилаётганидек бошқа давлатлар ва бошқа халқларни ўзаро тўқнаштириб, фойда олиш ниятида «янги урушга тайёрланиш»га очиқдан-очиқ даъват этаётганлар ҳам тинчлик йўлидаги курашда қўлга киритилган муваффақиятлардан ташвишга тушиб қолдилар. Бир қанча капиталистик давлатларда қуролланиш пойгасининг мисли кўрилмаган миқёсларини янада ошириш йўлидаги интилиш — кескинликнинг юмшатилишига қарши қаратилган асосий ғовдир. Уруш хавфи ўчоқлари ҳам ҳануз сақланмоқда. Буларнинг ҳаммаси мустаҳкам тинчликка эришиш — кўп ғайрат-шижоат, сабот-матонат ва изчилликни талаб этадиган мураккаб иш эканлигини кўрсатиб турибди. Ўртоқ Л. И. Брежнев конференция қатнашчиларини ишонтириб бизнинг партиямиз халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги иши йўлидаги курашда ўз куч-ғайратини бўшаштирмайди деди.

Берлин конференцияси асосий революцион кучларни аниқ кўрсатиб берди. Бу кучлар социалистик давлатлардан, капитал мамлакатларидаги ишчилар ҳаракатидан, миллий озодлик ҳаракатидан иборат. Бу кучлар барча демократик тинчликсевар кучлар билан биргаликда реакциянинг қаршилигини бартараф қилишга, жаҳон уруши бошланишининг олдини олишга қодирдир.

Социалистик мамлакатлар ўз экономикасининг тўхтовсиз ўсганлиги туфайли, бу ўсишни янги жамиятнинг табиати белгилаб берганлиги ва халқ оммасининг манфаатларига хизмат қилаётганлиги туфайли, тинч-тотув яшаш принципини қарор топтиришга қаратилган ва халқаро муносабатларга тобора катта таъсир кўрсатаётган ўз ташқи сиёсати туфайли кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантириш соҳасида жуда катта роль ўйнамоқдалар.

Капиталистик мамлакатларда ижтимоий тараққиётнинг етакчи кучи бўлган ва барча меҳнаткашларнинг манфаатларини, социал тараққиёт манфаатларини ҳамда умуммиллий манфаатларни ифода этаётган ишчилар синфининг активлиги ўсиб бормоқда. Ишчилар синфининг, шунингдек бошқа демократик ва антиимпериалистик кучларнинг монополистик капитал ҳукмронлиги асосларига қарши кураши тобора кенг ривожланиб бормоқда. Бу кучлар халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун курашиб, кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Озодлик ва мустақилликни курашиб қўлга киритган халқлар, блокларга қўшилмаган давлатлар ҳаракати тарихий жараёнга тобора катта таъсир ўтказмоқда. Европа коммунистлари миллий озодлик кучлари билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар ва уларнинг ҳаққоний манфаатларини — ўз мамлакатларининг озодлиги, мустақиллиги ҳамда прогрессив тараққиёти манфаатларини доим қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир марта билдирдилар.

Конференция тинчлик учун кураш социал тараққиёт учун кураш билан чамбарчас боғланганлигини, коммунистик ва ишчи партияларнинг турли мамлакатларда вазият ва миллий традицияларни ҳамда тарихий тараққиётнинг умумий қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда демократик ва социализм ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қарор берганлигини намойиш қилди.

Коммунистлар кескинликнинг юмшатилишини халқаро майдонда социал тараққиётга ёрдам берадиган шарт-шароитларни вужудга келтиришга қўшилган муҳим ҳисса, деб қарайдилар. Улар тинч-тотув яшаш принципларининг тобора тўлароқ қарор топиши бунинг учун зарур заминларни вужудга келтиради, капиталистик мамлакатларда демократик ва социал ўзгартишлар йўлидаги кураш учун қулайроқ шарт-шароитлар бўлишини таъминлайди, деб ҳисоблайдилар. Кескинликнинг юмшатилиши социалистик мамлакатларнинг иқтисодий, социал ва сиёсий ривожланиш программасини амалга оширишга, социализмнинг имкониятлари ва афзалликларини рўёбга чиқаришга ҳам қулай шароит яратиб беради. Бу омилларнинг амалда бўлиши халқларнинг тинчлик йўлидаги интилишини кучайтиради, социализм идеалларини кенг омманинг онгига тобора мустаҳкам сингдиришга имконият туғдиради.

Коммунистик ҳаракат меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун, революцион кучларни жипслаштириш учун курашнинг, турли шароитларда социализм учун курашнинг ҳақиқатан ҳам жуда катта тажрибасини тўплади. Ҳар бир қардош партиянинг фаолиятида миллий хусусиятлар билан боғланган ўзига хос хислатларидан ташқари, бутун коммунистик ҳаракат учун муҳим бўлган муштарак хусусиятлар ҳам муқаррар мавжуд эканлиги туфайли ҳам бу тажрибани умумлаштириш ва назарий жиҳатдан чуқур ўйлаб кўриш зарурати туғилади. Бунинг устига ҳаётнинг ўзи ҳам жаҳонда, шунингдек айрим мамлакатларда объектив ижтимоий жараёнларнинг ривожига доим янгилик киритмоқда. Ҳаёт янгидан-янги вазифаларни қўймоқдаки, бу вазифалар масалаларни ҳал этишнинг мукаммалроқ йўллари ва воситаларини талаб этади. Шунинг учун ҳам коммунистлар марксизм-ленинизмни ижодий тарзда ривожлантиришни ўзларининг асосий бурчларидан бири деб ҳисобламоқдалар.

«Биз, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — коммунистик оиладаги ўртоқларимизнинг ижодига зўр эътибор билан муносабатда бўлганимиз ҳолда, фақат амалий тажрибагина у ёки бу қоиданинг тўғрилигига ёки, аксинча, хатолигига мезон бўла олади, деган фикрга асосланамиз. Аммо практика ўзининг узил-кесил ҳукмини чиқарганига қадар бу қоидаларни ўртоқларча мунозара вақтида, турли партияларнинг нуқтаи назари ва тажрибасини кенг таққослаб кўриш йўли билан текшириб чиқиш имконияти ва зарурати бор. Бунинг натижасида назария ҳам, практика ҳам ютиб чиқади, умумий ишимиз ҳам ютиб чиқади, албатта».

Конференция қабул қилган ҳужжатнинг «антикоммунизмни яккалаб қўйиш ва унинг устидан ғалаба қозониш» зарурлиги ҳақидаги ва коммунистик партияларга, социалистик мамлакатларга қарши, аввало Совет Иттифоқига қарши, социализм ва тараққиёт кучларига қарши кампания ўтказаётган кучлар билан кураш тўғрисидаги қоидалари жуда катта аҳамиятга эгадир.

Тинчлик, хавфсизлик ва тараққиёт ишининг, социал ва миллий озодлик ишининг муваффақиятлари ҳозирги кунда коммунистлар халқаро армиясининг бирлигига, барча революцион, тараққийпарвар ва тинчликсевар кучларнинг жипслигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Пролетар интернационализми меҳнат аҳлининг манфаатларини кўзлаб жаҳонни ўзгартириш учун курашда компартияларнинг, бутун ишчилар синфининг энг қудратли ва синалган қуроли бўлиб келди ва шундай қурол бўлиб қолаверади.

Берлин конференцияси асосий нарсани — қардош партияларнинг бир-бирларининг ҳуқуқий тенглиги ва мустақиллигини тўла ҳурмат қилиб, улар кураш олиб бораётган шароитлардаги тафовутларни яхши билган ҳолда ўртоқларча алоқаларни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, янада кўпроқ конструктив, янада кўпроқ маҳкам жипслашиб ҳамкорлик қилишга интилаётганликларини акс эттирди.

Европа коммунистлари аслида ишчилар синфини капиталистик системага бўйсиндиришдан далолат берувчи ҳар қандай сиёсат ва дунёқарашни рад этадилар. Конференция компартиялар Маркс, Энгельс, Ленининг улуғ ғоялари асосида интернационалистик ҳамкорлик ва бирдамликни ривожлантира берадилар, деб таъкидлади. Конференция қардош партияларнинг бирлиги ва жипслиги байроғини баланд кўтарди, улардан ҳар бирининг конкрет шароитларга асосланиб, ўз воситалари ва методлари билан олижаноб мақсадларга эришиш йўлидаги курашдан иборат умумий ишга ҳаммаларининг ҳисса қўшишга тайёр эканлигини намойиш қилди.

Конференциянинг чақирилиши, унинг ўртоқларча вазиятда муваффақиятли иш олиб борганлиги, қабул қилинган ҳужжат бу конференция Европа қитъасидаги қардош партияларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамловчи омил, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муштарак нормалари негизида интернационалистик ҳамкорликни ривожлантириш омили бўлиб қолганлигини исбот этади. Ҳозирги пайтда коммунистларни ижодий марксизм-ленинизм, пролетар интернационализмининг принципиал негизида изчил жипслаштириб бориш, ҳаёт илгари сураётган актуал проблемаларни биргаликда ҳал этиш учун бундан буён ҳам иш олиб бориш муҳимдир.

Совет халқи янги жамият қуриш соҳасидаги бунёдкорлик меҳнати билан бундан буён ҳам революцион, коммунистик ҳаракатнинг, барча антиимпериалистик ва тинчликсевар кучларнинг умумий интернационал ишига, халқларнинг тинчлиги, хавфсизлиги, демократия ва социализм йўлидаги кураш ишига муносиб ҳиссасини қўшаверади.

(«ПРАВДА»нинг 5 июлдаги бош мақоласи).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар СССР билан КХДР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартноманинг ўн беш йиллиги муносабати билан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти ўртоқ Ким Ир Сенга, КХДР маъмурий кенгашининг бош министри ўртоқ Пак Сен Черга самимий қутловлар йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

Шартнома Узоқ Шарқда тинчликни сақлаш ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим воситаси эканлигини, у Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ишига яхши хизмат қилаётганлигини ўтган ўн беш йил ғоят ишонарли тарзда кўрсатди.

КХДР меҳнаткашлари Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида социализмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг КМП V съезди белгилаб берган олти йиллик плани вазифаларини амалга оширишда катта муваффақиятларга эришдилар.

Совет халқи, деб таъкидланади телеграммада, қардош корейс халқи билан дўстликни ва жипсликни қадрлайди, унинг ватанни демократик негизда тинч бирлаштиришга эришиш йўлидаги интилишини чуқур тушуниб, унга астойдил бирдамлик назари билан қарайди. Совет Иттифоқи билан КХДРнинг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг биргаликда ҳаракат қилиши социализм ва коммунизм қурилишида, тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини мустаҳкамлашда янги муваффақиятларга эришишни таъминлайди.

Совет раҳбарлари социализмнинг тўла ғалабаси учун, Кореяни тинч бирлаштириш учун курашда қардош корейс халқига янги катта муваффақиятлар тиладилар

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Фарғона областининг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва тайёрлов органлари, партия, совет, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг ходимларини катта меҳнат ғалабаси билан — давлатга бошоқли дон экинлари ҳосилини сотиш топшириғини муддатидан илгари бажарганликлари билан самимий табриклайдилар.

Область колхоз ва совхозлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, илғор тажриба ва фан ютуқларини практикага кенг жорий этиб, донли экинлардан мўл ҳосил — ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 23 центнер буғдой ва арпа етиштирдилар, ҳосил ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиб, давлатга 8 минг тоннадан зиёд дон сотдилар ва ўзларини уруғлик билан тўла-тўкис таъминладилар.

Областдаги ҳамма районлар ана шу улкан меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар. Қува, Бағдод, Тошлоқ, Ўзбекистон, Олтиариқ, Риштон, Фарғона районларидаги хўжаликлар, Фрунзе районидаги Калинин номли, Риштон районидаги «Риштон», Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозлари, Қува районидаги Димитров номли ва Киров номли, Охунбобоев районидаги Калинин номли, Бувайда районидаги «Шарқ юлдузи» колхозлари бошоқли экинларнинг ҳар гектаридан 30—40 центнер ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга дон сотиш топшириқларини муддатидан илгари бажардилар.

Охунбобоев районидаги Калинин номли колхознинг К. Амиров, Қува районидаги Димитров номли колхознинг А. Имомов, Олтиариқ районидаги «Пахтаобод» колхозининг С. Қаҳхоров бошлиқ бригадалари коллективлари ва бошқа кўпгина коллективлар яхши меҳнат қилиб гектар бошига 40 центнер ва бундан ҳам кўпроқ дон олишга эришдилар.

Область хўжаликларида маккажўхори донидан ҳам мўл ҳосил олиш кутилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Фарғона областининг партия, совет ва хўжалик органлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнатчилари бу йилни муваффақиятли туғаллайдилар, пахта ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш билан Ватанни ҳурсанд қиладилар деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## САНОАТИМИЗ ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноати 1976 йил январь—июнь ойларида маҳсулотни реализация қилиш планини 104,1 процент бажарди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,8 процент ортди, меҳнат унумдорлиги эса 2,6 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши 56 процентни ташкил этди.

Қорақалпоғистон АССР, республикадаги ҳамма областлар ва Тошкент шаҳри саноат маҳсулотини реализация қилиш ярим йиллик планини бажардилар.

Қорақалпоғистон АССР ва республика областларида планнинг бажарилиши ва саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари қуйидагича бўлди:

(Биринчи устун — июнь ойида маҳсулотни реализация қилиш, иккинчи устун январь—июнь ойларида маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш проценти, учинчи устун — январь—июнь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 1975 йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида, тўртинчи устун — пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот миқдори йиллик мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида):

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон ССР | 103,7 | 104,1 | 104,8 | 48,2 |
| Шу жумладан: | | | | |
| Қорақалпоғистон АССР | 102,9 | 105,6 | 106,8 | 47,0 |
| Андижон области | 107,7 | 106,6 | 102,6 | 47,4 |
| Бухоро области | 105,1 | 102,5 | 95,5 | 48,5 |
| Жиззах области | 97,7 | 103,2 | 106,2 | 16,7 |
| Қашқадарё области | 104,1 | 103,7 | 99,6 | 31,5 |
| Наманган области | 108,5 | 106,8 | 108,2 | 52,8 |
| Самарқанд области | 102,6 | 104,3 | 105,7 | 48,9 |
| Сурхондарё области | 106,3 | 105,8 | 103,4 | 55,0 |
| Сирдарё области | 100,9 | 105,6 | 106,2 | 35,0 |
| Тошкент области (Тошкент шаҳрини ҳам қўшган ҳолда). | 103,4 | 103,7 | 106,3 | 46,9 |
| Фарғона области | 102,3 | 103,5 | 105,6 | 42,0 |
| Хоразм области | 105,5 | 106,1 | 106,4 | 52,6 |

Шу билан бирга айрим корхоналар планни бажара олмадилар Улар орасида Олмалиқ маиший химия заводи, «Таштекстильмаш» заводи, Самарқанд рўзғор холодильниклари заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкент мебель комбинати, Ангрен химия-металлургия заводи, Хатирчи пахта заводи, Денов ёғ экстракция заводи, Самарқанд гўшт комбинати, «Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинати ва бошқа корхоналар бор.

Партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари айрим корхоналарнинг планни бажармаслик сабабларини синчиклаб текшириб кўришлари лозим. Фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини ошириш, материал ва меҳнат ресурсларини тежаш негизида корхоналарнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан зарур чораларни кўриш ҳамда ҳар бир корхона 1976 йилги план ва социалистик мажбуриятларни бажаришини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиб бериш, меҳнат коллективларини КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга сафарбар этиш лозим.

## ДОН — ДАВЛАТГА

Республикамиз областларида ғалла ўриш ва давлатга дон топширишнинг бориши тўғрисида шу йил 5 июлга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — ғалла ўриб олинган майдон (процент ҳисобида), учинчи устун — топшириққа нисбатан тайёрланган дон (процент ҳисобида).

| | | |
|---|---|---|
| АНДИЖОН | 97,5 | 101,8 |
| ФАРҒОНА | 100,0 | 100,0 |
| Қашқадарё | 76,7 | 97,3 |
| Сурхондарё | 68,0 | 84,6 |
| Тошкент | 74,5 | 77,6 |
| Бухоро | 87,0 | 75,1 |
| Сирдарё | 61,1 | 73,4 |
| Наманган | 85,5 | 67,6 |
| Самарқанд | 55,0 | 54,7 |
| Жиззах | 50,8 | 51,6 |
| Республика бўйича | 64,3 | 72,9 |

## ҒАЛЛА УРИМИ ТАМОМЛАНДИ

ГУЛИСТОН, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Ворошилов районининг ғаллакорлари Сирдарё областида биринчи бўлиб ғалла ўримини тамомладилар. 1260 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 21,8 центнердан ҳосил олинди. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан анча кўпдир.

## ХАЛҚЛАР БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

Европа коммунистик ва ишчи партиялари конференциясининг материаллари ҳамон Ўзбекистон меҳнаткашларининг диққат марказида турибди. Ўтказилаётган митингларнинг қатнашчилари тарихий учрашув натижаларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг «Европа коммунистик ва ишчи партиялари Берлин конференциясининг якунлари тўғрисида»ги ҳужжатида баён этилган қоидалар ва хулосаларни қизғин ва якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 5 июль куни тушлик танаффус чоғида ўз клубига тўпландилар.

— Берлин конференцияси ҳаммамизни қувонтиради, — деди касбдош ўртоқларига мурожаат қилиб пўлат қуювчининг ёрдамчиси Е. А. Маршалов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ҳужжатида таъкидлаб ўтилганидек, бу конференция Европада тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт учун кураш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Митингда ишчи А. Г. Шабанова, комсомол комитетининг секретари С. Мирзакаримов, завод бошлиғи, КПСС XXV съездининг делегати Х. Ш. Файзуллаев сўзга чиқиб, бутун дунёда тинчлик тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликлари учун жонажон партияга, унинг Марказий Комитетига ва шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий ташаккур билдирдилар. Нотиқлар корхона коллективи меҳнатдаги ўз муваффақиятларини бундан буён ҳам кўпайтиришга, инсоният тинчлиги ва фаровонлиги йўлида Совет давлатининг, бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қудратини мустаҳкамлашга қарор берганлиги ҳақида гапирдилар.

(ЎзТАГ).

